БУЮК БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 102 (17.682). • 2 май 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА КЎП МИЛЛАТЛИ ВАТАНИМИЗНИНГ БАРЧА ХАЛҚЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН СЕРҚУЕШ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ АҲЛИ ТИНЧЛИК ВА БАҲОР БАЙРАМИ, ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИ ЗЎР ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАДИЛАР. БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ТЕВАРАГИГА МУСТАҲКАМ ЖИПСЛАШИБ, ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ ВА КПССНИНГ БЎЛАЖАК XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛИГИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ.

МОСКВА. 1980 йил 1 Май. Қизил майдонда меҳнаткашлар вакилларининг намойиши. Суратда: В. И. Ленин мавзолейи минбарида.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Москва Қизил майдонида Биринчи Май намойиши

— Мамлакатимиз Биринчи Май байрам тонгининг файзи ўзгача: қуёш заррин нур соча бошлаши биланоқ шаҳарлар, посёлкаларнинг қизил алвонлар билан безатилган кўчалари, азим қурилишлари ранг-баранг бўёқлар билан яшнаб кетади. — Илҳомбахш меҳнат қувончининг рамзи, кураш, революция ва ғалаба рамзи бўлмиш қизил ранг беғубор Ватанимиз безакларидаги асосий рангдир.

Ватанимиз бўйлаб Биринчи Май тонги отаётир — ҳамма ёқда тинчлик, бахт, меҳнат қушиқлари ва табриклар янграб турган хушчақчақ ва гавжум баҳор тонги отаётир. Мамлакатимизнинг у чеккасидан бу чеккасигача, Камчатканинг оппоқ қор босган тепаликларидан ёқутдек ям-яшил Карпат тизмаларигача коммунизм бунёдкорлари байрамга чиқмоқдалар. Шу куни ер курраси-нинг турли кенгликларидаги миллион-миллион меҳнаткашлар ҳам Биринчи Май байроғи остига тўпландилар.

Умумхалқ байрами пойтахти — Москва янада соҳибжамол, янада навқирон қиёфа касб этган. Янги-янги кўча ва майдонларнинг жимжимадор безаклари унинг қизил байроқлар ва транспарантлар, қип-қизил чинни гул дасталари билан қирмизи тус олган улуғвор қиёфасига ўйғун бўлиб тушган. Бугун ҳар бир кўча, ҳар бир проспект бош тантана жойи бўлмиш Қизил майдонга олиб боради.

Бу йил Биринчи Май бутун дунёдаги ажойиб байрам — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигидан эстафетани қабул қилиб олди. Шу шонли санани янги меҳнат зафарлари билан нишонлаган совет халқи мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди ўнинчи беш йиллик учун белгилаб қўйган улуғвор программасини амалга ошириш йўлида янада дадил қадам қўйди. Ильич Ватани беш йиллик плани ниҳоясига комил ишонч билан яқинлашиб келмоқда. Миллион-миллион меҳнатчилар бу йилги ишлаб чиқариш топшириқларини ва умуман беш йилликни барвақт бажариш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилганлар. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига яқинда ўтказилган сайлов кўп миллатли давлатимиз турмушида катта воқеа, социалистик демократия байрами бўлди. Совет кишилари социалистик жамиятнинг энг муносиб граждан лари бўлмиш коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз бериш орқали Октябрь ишига, Ленин партияси ишига содиқ эканликларини, ленинчасига, коммунистчасига яшаш ва ишлашга интилаётганларини яна бир бор намойиш этдилар.

Қизил майдон — байрам либосида, у бирдамлик ва тинчликнинг тантанали намойишига тайёр. Беш универсал магазин пештоқига Маркс, Энгельс, Ленининг портретлари билан катта панно қўйилган. Қизил шойига: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», «Коммунизм ғалаба қилади!» деган сўзлар ёзилган.

Кремль қурантлари соат 9 у 50 минутни кўрсатади. Майдондаги чорқирра тошларнинг усти бир зумда жонли гилам тўшалгандек бўлади. Марш-парад қатнашчилари майдонни тўлдиради.

Ҳурматли меҳмонлар учун ажратилган минбарларда Ленин партиясининг ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, атоқли саркардалар туришибди. Тақлиф қилинганлар орасида дастлабки беш йилликларнинг зарбдорлари ва замонамиз қаҳрамонлари — ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, СССРнинг космонавт-учувчилари бор.

Турли мамлакатлар касаба союз ташкилотларининг намояндалари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун атоқли курашчилар ҳам меҳмонлар орасидан жой олади.

Москваликлар ва пойтахтнинг меҳмонлари Коммунистик партия, Совет давлати раҳбарларини «Ура!» садолари билан, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан қизғин ва самимий кутиб оладилар. **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. Ў. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига кўтариладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАРДОШЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

ТОШКЕНТДА БАЙРАМ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон пойтахти Биринчи Май тонгини кўча ва майдонлари қирмизи либосга бурканган ҳолда кутиб олди. Транспарантлар ва панноларда «Тинчлик», «Меҳнат», «Бирдамлик» сўзлари қувноқ баҳор байрамининг чуқур мазмунини ифодалаб ёрқин товланиб турибди.

Ҳар бир совет кишиси қалбига азиз бўлган улуғ зот В. И. Ленин номига қўйилган Тошкентнинг бош майдони шу байрам кунида айниқса кўркам безанган.

СССРнинг давлат байроғи, иттифоқдош республикаларнинг байроқлари мамлакатимиз халқларининг амалда мужассамланган меҳнат қардошлиги, бузилмас бирлигини ифодалаб шамолда ҳилпираб турибди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май чақириқлари катта-катта алвонларда янги зафарлар йўлини кўрсатиб турибди. Майдон узра К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг, партия ва ҳукумат раҳбарлари — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари кўзга ташланади.

Эрталаб соат 10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусаховов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов минбарга чиқадилар.

Майдон узра қурантларнинг овози янграйди. Парадлар ҳиёбонида қирмизи тўлқин ёйилгандек бўлди — меҳнаткашларнинг байрам намойишини байроқдорлар колоннаси бошлаб берди. Тошкент пролетариатининг шонли революцион ва меҳнат анъаналари билан бурканган, жангтовар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Тошкент байроғи мағрур ҳилпираб бормоқда. Унинг ёнида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари кўтариб ўтилмоқда. Социалистик мусобақадаги муваффақиятлари учун Тошкент шаҳрининг илғор корхоналари ва ташкилотлари ана шу кўчма Қизил байроқларга сазовор бўлган.

Тошкентликлар бу йилги Биринчи Майга янги меҳнат ғалабалари тўғрисида рапорт бермоқдалар. Тўрт йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Давлат Сифат белгиси қўйилган саноат маҳсулотининг салмоғи ўсди — эндиликда Тошкентда тайёрланган буюмнинг бешдан бирига фахрли беш қирралн тамға қўйиб чиқарилмоқда. Шаҳарнинг саксонга яқин корхонаси ва ташкилоти ўнинчи беш йиллик топшириқларини бар вақт адо этганлиги учун, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига Ленин фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари КПСС XXV съезднинг, партия Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини сабот билан амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил кўпайтирмоқдалар, ҳар бир иш жойида меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширмоқдалар. Тошкентлик неча ўн минглаб меҳнаткашлар

(Давоми учинчи бетда).

ТОШКЕНТ. 1980 йил 1 Май. Пойтахтнинг бош майдонида. А. Тўраев фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб 1980 йил 19 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтди.

Шанбаликда қарийб 150 миллион киши қатнашди. Улар завод ва фабрикаларда, қурилишларда, совхоз ва колхозларда, транспорт корхоналарида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришда меҳнат қилдилар. Саноат корхоналарининг ўзидагина 842 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шанбалик вақтида ажратилган иш ҳақи 173 миллион сўмни ташкил қилади.

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги совет кишиларининг юксак онглилигини ҳамда ватанпарварлигини, уларнинг Ленин ишига, Коммунистик партия ишига чексиз садоқатини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга бўлган қизғин иштиёқини яна зўр куч билан намойиш қилди.

Шанбалик вақтида совет халқининг қилган текин ва фидокорона меҳнати 1980 йилги план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни барвақт бажаришни, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлашни ва КПССнинг бўлажак XXVI съездини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олишни истаганлигини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишчиларга, колхозчиларга, инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга, уруш ветеранлари ва меҳнат ветеранларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, студентлар ва ўқувчиларга — коммунистик шанбаликда актив қатнашган ҳамма кишиларга самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Шанбалик натижасида олинган маблағлар оналар ва болалар учун санаторийлар, мактабгача болалар муассасалари қурилишига, уруш ветеранлари ва меҳнат ветеранларига медицина хизматини яхшилашга сарфланади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОЯИ

СССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнатда жуда катта ютуқларга эришганликлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаргаликлари учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин:

Коткова Фаина Васильевна — Зигир толасидан тўқилган техника газламалари Визнини ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, Владимир области.

Петрова Светлана Ивановна — «Кренгольмская мануфактура» ип газлама комбинатининг йигирувчиси, Эстония ССР.

Рустамов Ягуб Абулфат ўғли — ВЛКСМ 50 йиллиги номли Мингечаур тўқимачилик комбинати мастерининг ёрдамчиси, Озарбайжон ССР.

Саидов Расул — Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг пиллакаши.

Струшникова Мария Григорьевна — Херсон ип газлама комбинатининг йигирувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Котиби
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 30 апрель.

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Совет раҳбарлигининг таклифига биноан ПБПП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Эдвард Бабюх май ойининг бошларида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

(Бо з биринчи бетда).

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда. Эрталаб соат 10. Анъанавий «Бепоёндир Ватаним менинг...» куйи янграйди. Қизил майдон узра байрам бошланиши муқаддимасининг якунловчи тароناси — фанфаралар куйи янграйди. Мамлакатнинг бош майдони мингларча овоз билан акс садо беради — намойиш иштирокчилари:

«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!» «Шон-шарафлар!», «Шон-шарафлар!» деб хитоб қиладилар.

Қотиб турган бир текис сафлар узра лола ранг шиорлар кўтарилган. Уларнинг бирига: «Совет халқининг жиндиси — социалистик давлатимиз қудратининг пухта пойдеворн» сўзлари ёзилган.

Шу байрам кунида совет халқи тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказаётган Ленин партияси билан метнидек бирлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Аввало халқларнинг халқаро кескинликни юмшатиш, жаҳон ракета-ядро уруши хавфини камайтириш учун биргаликдаги курашини кўзда тутувчи кенг миқёсли, олисни кўзловчи ва реалистик Тинчлик программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Транспарантлар империализмнинг янги уруш бошлаш соҳасидаги агрессив қиёфадорларига қарши, қуролланиш пойгасининг янги даврасига қарши курашни кучайтиришга даъват қилади. Иккинчи жаҳон уруши келтирган талофотлар мусибати инсоннят хотирасидан асло ўчмайди. Бинобарин бугун, совет халқи фашизм устидан қозонган Ғалабанинг 35 йиллиги арафасида бутун тараққийпарвар дунё аҳли империализмнинг урушқоқ доираларига қатъий қилиб — «Урушга йўл йўқ!» деб айтмоқда.

Коммунистик ва ишчи партияларга, социалистик мамлакатларнинг халқларига, мустамлакачилик зулмидан халос бўлган ҳамда миллий мустақиллик ва социал тараққиётни мустаҳкамлаш учун мардона курашаётган халқларга табрик сўзлари ёзилган қизил алвонлар сафлар тепасида баланд кўтарилган.

«Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!», деган шиор майдон узра янграйди.

Намойишнинг саккиз минг қатнашчиси: «Ленин, партия, коммунизм!», деб қайта-қайта такрорлайди. Кўп овозли «Ура» садоси бутун майдонга таралади.

Пионерлар Мавзолей минбарига чиқиб, Коммунистик партия, Совет давлати раҳбарларига гуллар, қизил лентаҳар тақдим этадилар.

Шода-шода ранг-баранг шарлар осмонга кўтарилади, уларга осилган вимпелларга: «Тинчлик», «Меҳнат», «Май» сўзлари ёзилган.

Намойиш қатнашчилари Мавзолей олдидан ўтадилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг портрети қўйилган панно байроқлар, шиорлар, қизил чиннигуллар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ва совет халқини шарафловчи Биринчи Май шиорлари орасида Қизил майдондан олиб ўтилади. Сафлар узра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари кўзга ташланади.

Тарих музейи тарафдан Москва меҳнат аҳлининг куй ва қўшиқлари яқиналашиб келиб, тобора кучаяверади. Намойишчиларнинг колоналари Қизил майдонга азим дарёдек қуйила бошлайди. Қаҳрамон шаҳар — Москванинг орден лентаҳари билан безатилган байроғи олдинда кўтариб келинади. Пойтахт ишчилар синфи ва зиёлиларининг энг яхши намояндалари, ўнинчи беш йиллик илғорлари, ўтган йилги мусобақа якуларига муваффиқ КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган коллективларнинг вакиллари байроққа ҳамроҳлик қилишдек фахрий шарафга муяссар бўлдилар. Москванинг 128 та корхона ва муассасаси мана шу юксак мукофотларга сазовор бўлган.

Қизил майдонга биринчилар қатори кириб келган колонна «ЗИЛ» автомобили, Ватанинг беш ордени мукофотларини кўтариб олганлигида рамзий маъно бор. Совет автомобилсозлигининг байроқдори — И. А. Лихачев номли заводнинг вакиллари ўта бошладилар. 1918 йил ёзида В. И. Ленин «АМО» заводини бориб кўрганида, дастлабки бир неча юз автомобиль тез орада ишлаб чиқарилиши тўғрисида гапирган эди. Ҳозир конвейерлардан ҳар йили икки юз мингдан зиёд кучли юк машиналари тушмоқда. Бу машиналар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб турибди, дунёнинг 50 мамлакатида манзур бўлган.

ЗИЛчилар колоннаси узра қизил алвонлар, байроқлар, гуллаб турган олма шохлари ўровида олиб кирилган транспарантда Биринчи Май рапорти ёзилган: шу йилнинг тўрт ойи мобайнида пландан ташқари 640 та автомобиль, 500 та холодильник ишлаб чиқарилди.

Беш йилликнинг меҳнат ютуқларига энг салмоқли ҳисса қўшган кишиларга бугун байрам намойишининг биринчи сафларида бўлиш ҳуқуқи берилган. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорларидан бири — машина ҳайдовчи слесарь, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ф. Кранишев намойишга касбдош ўртоқлари билан бирга келган.

— Бугунги байрам кунида, — деди у, — заводимиздаги олти минг киши беш йиллик маррани эгаллаганини қайд этиш қувончлидир. Уларнинг кўпларига пойтахтда биринчи бўлиб Ленин Фахрий ёрлиқлари тантанали равишда топширилди. Леонид Ильич Брежнев тўрт йил муқаддам бизнинг коллективимиз билан бўлган учрашув вақтида ўртага қўйган вазифаларни зилчилар муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги корхонада чорак баравардан зиёд ошди. Яқинда дизель моторли янги автомобиль тайёрланди. Аввалги моделлардан анча тежамли бўлган бу машина автопоезд составида анча кўп юк ташиб олади. Мана шу самарали ва сифатли машиналар ҳозирнинг ўзидаёқ кўкламги дала ишларида қатнашмоқда.

Халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида иш самарадорлиги ва сифатини кўтариш йўлни изчиллик билан амалга оширишдан иборат муҳим вазифа КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларида яна бир карра таъкидланди. Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш — фаровонликни янада ўстиришга, Ватанимиз қудратини, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш демакдир. Партиянинг мана шу топшириғини амалга ошириш учун жонкуярлик қилиш ҳар бир совет меҳнатчиси кундалик фаолиятига хос хусусият бўлиб қолди.

— Бу йил — алоҳида йил: беш йилликнинг тугалловчи йилидаги ишимизни якунлаш, навбатдаги беш йиллик вазифаларини белгилаб олиш лозим, — Владимир Ильич номли электромеханика заводи байрам колоннасининг пешқадами, темирчилар бригадири, Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери Н. Метелкин мана шу фикрни айтди. — Шу боисдан ҳам биз яна зўр ғайрат ва юксак самарадорлик билан меҳнат қилишимиз лозим. Заводимизнинг маҳсулоти мамлакатда биринчи бўлиб давлат Ёшфат белгисига сазовор бўлганлиги билан фахрланаман. Биринчи Май арафаси, 22 апрель куни яна тўрт хил электр моторга фахрий бешбурчак белгиси берилди. Биз Ильич номидаги завод коммунистлари партиянинг маҳсулот сифатини янада юксалтириш, бутун ишнинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги қатъий йўлдан бораяпмиз.

«Серунум, тежамли, пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!» Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашингиз!»

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақириқларидаги мана шу сўзлар Қизил майдонга қириб келган байрам колоннасининг қатнашчиларига тўла равишда тааллуқлидир. СССР 50 йиллиги номли автомат линиялар заводининг вакиллари Мавзолей олдидан ўтмоқдалар. Шу корхона цехларида тайёрланган линиялар ва махёс станоклар КамАЗда, ВАЗда, мамлакатнинг бошқа энг катта корхоналарида беғуҳсон ишлаб турибди. Ҳозир пойтахт станокозаларининг «Лойиҳадан тайёр маҳсулотгача сифат гарантияси берайлик», деган ташаббуси ҳамма жойда маълум.

Автомат цехлар учун, тўла-тўғриси автоматлаштирилган корхоналар учун ноёб машина-ускуналар яратаётган кишилар Биринчи Май маршида қатнашмоқдалар. Уруш ветеранлари ҳам байрам колонналарининг сафларида ёш авлоднинг намояндалари билан бирга ўтадилар, жанговар жасоратлари ва тинч меҳнати Ватан мукофотлари билан тақдирланган ветеранлар орасида цех партия ташкилотининг секретари, слесарь Б. Топорков бор.

— Бу галги Биринчи Майни биз бошқа шонли воқеа — совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 35 йиллиги арафасида байрам қиляпмиз, — дейди у. — Бизнинг барча фронтчи ишчиларимиз унутилмас санани меҳнат туҳфаси билан нишонлашга — 9 май куни ярим йиллик топшириқни бажаришга қарор бердилар. Биз, уруш ветеранлари тинчликнинг қадрини яхши биламиз. Шу сабабли жаҳонни «совуқ уруш»нинг зиммистон замонларига улоқтириб ташлашга, Европани Пентагоннинг ракета полигонига айлантиришга уринаётган Америка маъмуриятининг авантюристик йўли ҳар биримизни жуда ғазаблантирмоқда. Биз севикли Ватанимизнинг қудратини ўз меҳнатимиз билан бундан буён ҳам мустаҳкамлайверамиз. Ватанимиз халқаро империализм ва реакциянинг ҳар қандай кирдикорларидан чўчимайди.

Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги совет кишилари меҳнатдаги ғайрат-шижоатининг ёрқин намунаси бўлди. Шу куни миллионга яқин москвалик ҳамма қатори зарбдор меҳнат қилди. Москва-Сортировочная локомотив депосининг коллективи Совет ҳокимияти тонготарида мамлакатдаги шанбаликларни ўтказиш ташаббускори бўлган эди. В. И. Ленин айни шу ташаббусни коммунизмнинг ҳақиқий бошланиши деб билган эди. Корхона меҳнатчиларининг янги авлодлари шонли анъанани давом эттириб ва ривожлантириб, зарбдор меҳнат қилишни кундалик ишга айлантирмоқдалар. Депо машинистлари оғир вазнли поездларни биринчи бўлиб бошқара бошладилар. Ҳар бир поездга олти минг тонна юк ортилиши пўлат магистралларнинг ўтказиш қобилиятини кўпайтириш, анча миқдордаги энергия ресурсларини тежаш учун катта имкониятлар очади. Ўтган йилнинг ўзида нормадан ташқари саккиз миллион тонна юк ташилди.

Бугунги байрам сафларидаги пешқадамлар орасида мисли кўрилмаган объектларга — ўн минг тонна юк ортилган составларни бошқаришни ўзлаштирган электровоз машинистларидан Д. Богданов билан А. Соловьевлар бор.

— Бугун бизнинг кайфиятимиз жуда соз, — дейишди илғорлар. — Биринчи Май арафасида мамлакатда биринчи марта Рязань билан Москва ўртасида баҳодирона поездлар мунтазам равишда қатнай бошлади.

Депо машинистларининг тажрибаси ҳамманинг мулкига айланди. Ҳозир Москва темир йўлидаги, бошқа йўлат магистраллардаги юэлаб локомотив бригадалари оғир юкли составларни бошқармоқдалар.

Намойишчиларнинг янги колоналари Қизил майдонга қириб келадилар. Одатга кўра, Октябрь райони вакилларининг байрам колоннасига «Красный пролетарий» заводининг илғорлари бошчилик қиладилар. Корхонанинг йилномаси — 1905 йилдаги Красная Пресня баррикадаларидан, 1917 йилда тош кўприк ва Остоженко ёнида ишчилар билан бўлган олишувлардан, дастлабки беш йиллик даврларини унутилмас индустриялаш жасоратидан иборат. Ҳозир мамлакатдаги ҳар уч токарнинг бири пойтахтдаги шу марка қўйилган станокда ишламоқда.

Станокозлар колоннасида корхонанинг энг яхши намояндалари бор. И. Ларин жонажон заводда ишлай бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Шу ерда у слесарлик касбини ўзлаштирди, олий малакали мутахассис, «қўли гул» уста бўлиб етишди.

— Биз, қизил пролетарчилар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардаги турдош корхоналарнинг коллективлари билан интернационал алоқа боғлаб келаётганимиз билан фахрланамиз, — дейди у. — Биз Болгария, Вьетнам, ГДР, Польшадаги ҳамкасбларимиз билан дўстлик алоқалари ўрнатганмиз. Мустаҳкам ҳамкорлик ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тезлаштиради, фан-техника тараққиётининг умумий ютуқларини тезроқ жорий этишга ёрдам беради. Қизил пролетарчилар вьетнамлик станокозларнинг катта буюртмасини бажардилар, саноатнинг янги тармоғини вужудга келтираётган шу мамлакат учун машина-ускуналар тайёрлаш ва етказиб бериш муддатларини анча қисқартирдилар. Чет эллик дўстларимиз Москвага тез-тез келиб, эъзозли меҳмон бўлмоқдалар. Биз Биринчи Май арафасида ишлаб чиқариш тажрибасини бақам қўриш учун келган бир гуруҳ поляк мутахассисларини кутиб олдик, шу пайтда ишчиларимиз делегацияси ГДРда меҳмон бўлди.

Жаҳон социалистик ҳамдўстлиги — социал тараққиётнинг олдинги сафида бормоқда. Унинг қудрати ўсди, халқаро обрў-эътибори муттасил кучаймоқда. Бу эса қардош мамлакатларга ялпи тинчликни таъминлаш, кескинликни камайтириш ва қуролсизланиш йўлини изчиллик билан амалга ошириш имконини бермоқда. Ҳозир СССР ўз иттифоқчилари билан биргаликда ҳар қандай агрессорнинг тажовузларига муносиб зарба бериш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларга эгадир. Варшава Шартномаси ташкилоти социалистик ғалабаларнинг мустаҳкам қалқони бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ойда қардош мамлакатлар бу ташкилотнинг 25 йиллигини нишонлайдилар. Леонид Ильич Брежнев Варшава Шартномасини «ялпи хавфсизлигимиз ва тинчлик учун биргаликдаги курашимизда ишончли қурол» деб атади.

«Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!» деган шиорни намойишчиларнинг колоннаси кўтариб ўтади. «Серп и Молот» заводининг вакили, РСФСР Олий Советининг депутати, пўлат эритувчи В. Коптев совет кишиларининг бошқа мамлакатлар халқлари билан биргадмлиги тўғрисидаги гапни давом эттиради:

— Биз озодлик ва мустақиллик учун курашаётган дўстларимизга ва ҳамма кишиларга ёрдам бериб келдик ва ёрдам бераверамиз. Совет кишилари афғон халқи билан ҳам ҳамиша инок яшаб келганлар. Шу сабабли мен ишдаги ўртоқларим номидан АҚШдан ва унинг иттифоқчиларидан Афғонистонга қарши қуроллы ғирвогарликларни дарҳол тўхтатишни қатъий талаб қиламан. Афғон халқи Апрель революцияси ғалабаларини мардона ҳимоя қилмоқда.

Пойтахтнинг бутун мамлакатга машҳур корхоналари: 1-давлат подшипник заводи, «Трехгорная мануфактура» комбинати, «Динамо», «Компрессор», биринчи соатсозлик заводлари, «Большевичка» бирлашмасининг колоннаси Қизил майдондан гулларга бурканиб, қизил алвонлар кўтариб ўтади.

Москва — Олимпиада шаҳри! У социалистик давлатлар орасида биринчи бўлиб Олимпиада ўтказади, 19 июль куни бу ерда XXII ёзги Олимпиада ўйинлари олови ёқилади. У икки ҳафтагача барчаҳ қитъа ёшларининг дўстлиги ва қардошлиги рамзи бўлиб ловиллаб туради. Москваликлар «олимпиадачилар оиласи»ни — спортчиларни, кўпдан-кўп фахрий меҳмонларни, туристларни кутиб олишга шодиёна ҳозирлик кўрмоқдалар.

Намойишчиларнинг битмас-туганмас, оқими узра юзлаб бежирим Олимпиада айиқчалари тасвири кўтарилган. Ҳозир Москвадаги XXII Олимпиада ўйинларининг объектлари пойтахт қурувчилари учун биринчи галдаги, зарбдор объектлардир. 3-уйсозлик комбинатининг А. Тихонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ва байрам колоннасида ўтади.

— Бизнинг коллективимиз катта шарафга — Олимпиада қиқилоғини қуришга мушарраф бўлди, — дейди бригадир, — бу профессионал етукликнинг жиддий имтиҳони бўлди ва бу имтиҳондан ўтилди. Тўққиз биноднан саккизтаси «аъло» баҳога топширилди.

Олимпиада суръати билан ишлаш бригаданинг ҳар куни нормасига айланди. Коллектив қурган бино Ватанимиз уйсозлиги практикасида биринчи марта давлат Сифат белгиси олишга тақдим этилди. Бугун ёш қурувчилар рапорт беришмоқда: Биринчи Май арафасида бино муддатидан илгари. «аъло» баҳо билан топширилди.

Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантиришга пойтахт қурувчилари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Марказий районлар тобора кўркамлашиб бормоқда, Москва атрофидаги қишлоқлар ўрнида Бибирево, Отрадное, Теплый стан, Орехово-Борисово номли янги уй-жой массивлари қад кўтарди. Меҳнат қилган — ҳурмат кўради. Биринчи Май арафасида пойтахтнинг бир гуруҳ архитекторлари ва қурувчиларига Москвани комплекс қуришнинг принципиал янги усули яратилиб, жорий қилинганлиги учун Ленин мукофоти берилди. Ҳозир пойтахтда ҳар минутда битта роҳатижон квартира монтаж қилинмоқда — дунёдаги ҳеч бир шаҳарда уйсозлик конвейери бундай маром билан ишлаган эмас.

Намойишчиларнинг янги-янги колоннаси Қизил майдонга кириб келадилар. «Нива» комбайни тасвирланган панно ёнида К. А. Тимирязев номли Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг муаллимлари ва студентлари келмоқдалар.

— Май, баҳор... Биз учун бу назмий сўзлар экиш-тикиш ишлари бошланганини, янги ҳосил учун курашни билдиради, — дейди академия ректори М. Синюков. — Мана шу умумхалқ ишида бизнинг олий ўқув юртимизга мамлакат қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаб берадиган энг асосий макон бўлишдек фахрий ўрин ажратилган. Бизда совет студентлари билан бирга дунёнинг эллик мамлакатидан келган йигит ва қизлар таълим олмоқдалар. Академия олимлари тўққиз юзта колхоз, совхоз, ишлаб чиқариш бирлашмаси билан доимий ижодий алоқа қилиб турибди. Тимирязевчилар берган илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинган жами иқтисодий самара бултур 45 миллион сўмдан ошиб кетди.

Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширинг, фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамланг!» мана шу сўзлар ёзилган чиройли транспарант Биринчи Май колоннаси узра кўтарилиб туради. Москва институтлари ва илмий муассасаларининг коллективлари саноат корхоналари билан ҳамкорлик тўғрисида ҳозирги шартномалар тузишган. СССР Фанлар академиясининг колоннасида таниқли олимлар одим ташлаб ўтишди. Уларнинг ижодий ишлари фан-техника тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда, космосни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам бермоқда.

Меҳмонлар минбарларида турган СССРнинг космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор П. И. Климук бундай дейди:

— 1 Май куни Леонид Попов билан Валерий Рюминдан катта космик саломи ва энг яхши тилаклар айтиш менга топширилган. Ҳозир космосни ўзлаштириш, космик фазода узоқ вақт ишлаш одатдаги иш бўлиб қолди. Аммо бунга эришишгача олимлар билан конструкторлар, космонавтлар, турли-туман касб мутахассислари ҳақиқий жасорат кўрсатдилар. Космос тинчлик манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилиши керак, — дейди у. —

Космонавт ўртоқларим орбитадаги қийин ишнинг асосий маъносини мана шундай тушунадилар.

Қизил майдондаги шодиёна авжга чиқади, тобора мавж уриб бораверади. КПСС, совет халқини шарафловчи табрик сўзлари янграйди. Мавзолей олдидан ўтиб бораётган ҳар бир янги колонна — мамлакатнинг ютуқлари тўғрисида берилган ўзига хос рапортдир. Инженер-техник ходимлар, хизматчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларнинг намояндалари Биринчи Май байроқлари остида пойтахт ишчилар синфи билан бирга ўтадилар. Ҳаётнинг ўзида тугилган «Санъат билан меҳнат иттифоқи» шиори рассомлар, артистлар, композиторлар, ёзувчилар учун ҳаёт программаси бўлиб қолди.

Намойишчилар колоннасида ўтиб бораётган шоир В. Фирсов бундай дейди:

— Бу йилги Биринчи Майни биз улуғ Ғалаба байрами арафасида нишонлаяпмиз. Ҳар бир янги баҳор бизни ўша тарихий кунлардан тобора олислаштирмоқда. Аммо биз ўша кунларни ҳеч қачон унутолмаймиз. Бу ҳақда Леонид Ильич Брежневнинг бутун дунёга машҳур трилогиясида ҳам айтилган. Бу асар халқнинг ўзи тўғрисидаги чинакам ҳаққоний сўздир. Бирон киши ҳам бепарво қараши ва бу китоблар тўғрисидаги фикрни айтмаслиги мумкин эмас. У — мардлик ва заботкор ҳаққонийлик солномасидир. Бу китоблар мазмун жиҳатдан халқчил, маъно жиҳатдан ҳаққоний ва шаклан соддадир. Оқил, саҳий, сезгир, меҳнатсевар ва улуғ халқнинг сўзи мана шундай содда ва сермазмун бўлади.

Совет халқининг ёш авлоди — комсомол унинг қаҳрамонона солномасини давом эттирмоқда. Студентларнинг қурилиш отрядлари либосидаги йигит ва қизлар Қизил майдондан ўтадилар. Ленин юбилейи арафасида «Молодогвардеец» деб аталган етти минг кишилик Бутуниттифоқ зарбдор комсомол отряди мамлакат беш йиллигининг зарбдор қурилишларига жўнаб кетди.

Майдонда: «Коммунизм бинокори — улуғ совет халқига шон-шарафлар!» — деган хитоб янграйди.

«Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!».

Москва меҳнаткашлари вакилларининг байрам намойиши партия билан халқ бузилмас бирлигининг янги, яққол далилига айланди. Бу намойиш совет кишиларининг 1980 йил топшириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажаришга, КПСС XXV съезди белгилаб берган программани амалга оширишга, партиянинг бўлажак XXVI съездини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга қаттиқ аҳд қилганликларини кўрсатди. Советлар мамлакати комил ишонч билан коммунизм сари бормоқда.

Қизил майдондан репортажни ТАСС мухбирлари: А. БЕЛИКОВ, С. КОРЕПАНОВ, В. ПЕТРЕНКО, П. РЯБОВ олиб бордилар.

ТОШКЕНТ. 1980 йил 1 Май. Ҳар бир совет кишиси қалбига азиз бўлган Владимир Ильич Ленин номи билан аталувчи Марказий майдонда байрам намойиши.

А. Тўраев фотолари.

БИРИНЧИ МАЙ ТАНТАНАЛАРИДА

Совет кишилари нурли баҳор ва меҳнат байрамини яхши кайфият билан, беш йиллик планларини бажариш давомида эришилган муваффақиятлардан фахрланиш ҳисларига тўлиб кутиб олдилар.

Бўлиб ўтган 1 Май байрам намойишлари қатнашчиларини Ленинградда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов; Киевда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Ф. Ватченко, республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, Олмаотада — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Қозоғистон ССР Олий Советя Президиумининг Раиси С. Н. Имашев, республика Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимов; Минскда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, республика Министрлар Советининг Раиси А. Н. Аксенов; Тбилисида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Г. Гилашвили, республика Министрлар Советининг Раиси З. А. Патаридзе; Бокуда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов, республика Министрлар Советининг Раиси А. И. Ибрагимов; Вильнюсда — Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус, республика Олий Совети Президиумининг Раиси А. С. Баркаускас, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис; Кишиневда — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. П. Калин, республика Министрлар Советининг Раиси С. К. Гроссу; Ригада — Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Я. Страутманис, республика Министрлар Советининг Раиси Ю. Я. Рубэн; Фрунзеда — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Дуйшеев, республика Министрлар Советининг Раиси С. И. Ибраимов; Душанбада — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Ҳолов, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Набиев; Ереванда — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. Демирчян, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Е. Саркисов, Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Т. Саркисян; Ашхободда — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Г. Ғапуров, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Ёқулиев, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ч. С. Қарриев; Таллинда — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Г. Кэбин, республика Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон самимий табриклардилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Г. В. ДИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Матбуотда кўп йиллар актив ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Известия» газетасининг Ўзбекистон ССРдаги ўз мухбири ўртоқ Георгий Васильевич Димов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил 30 апрель.

БАЙРАМ САЛЮТИ

1 майда Москва оқшоми ҳар қачонгидан кўра гўзал ва гавжум. Шаҳар меҳнаткашлари Халқаро бирдамлик байрамини плакатлар ва байроқлар, баҳор гуллари билан кутиб олдилар. Юз минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари майдонлар ва кўчалар, боғлар ва хиёбонларга чиқишди.

Кеч соат 9.00. Спасск минорасидаги курантларнинг сўнгги садоси билан Москванинг тунги осмони ранг-баранг машъал билан чарақлаб кетди. Биринчи Май байрамини нишонлаб қизил, кўк, оқ мушак юлдузлари пойтахт узра сочилди. (ТАСС).

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ!

Республика колхоз ва совхозларида дон учун маккажўхори экишнинг борили тўғрисида шу йил 1 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

БУХОРО	—	100,6
ҚАШҚАДАРЁ	—	100,0
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
ТОШКЕНТ	—	100,0
НАМАНГАН	0,1	100,0
Самарқанд	—	97,2
Сирдарё	—	95,0
Фарғона	0,1	89,2
Андижон	—	85,0
Жиззах	—	70,9
Хоразм	1,7	48,9
ҚҚАССР	3,6	39,8
Республика бўйича	0,5	85,5

Республика областларида шоли экишнинг борили тўғрисида шу йил 1 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Сирдарё	4,9	85,2
Наманган	2,6	66,8
Сурхондарё	—	53,8
Тошкент	8,1	46,8
Андижон	6,9	22,1
Хоразм	2,3	6,3
ҚҚАССР	0,7	2,1
Республика бўйича	1,9	15,6

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия, совет, тайёрлов ташкилотларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрининг ўринбосари ўртоқ Собир Камоловга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Шўрчи район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Карим Умаровга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми соғлиқни сақлаш органлари системасида кўп йил, самарали ишлаганлиги, меҳнаткашлар соғлигини сақлаш ишида эришган муваффақиятлари учун Самарқанд шаҳар темирйўл касалхонаси бош врачи ўртоқ Люся Николаевна Жаббаровага **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач** фахрий унвони берди.

ҚАРДОШЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

(Боши биринчи бетда).

бугунги Биринчи Май намойишига шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисидаги рапортлар билан келишди.

Владимир Ильич Ленининг улуғвор ҳайкали ёнидан тантанали марш билан ўтаётган колонналарнинг байрам безакларида ифодаланган ҳаётбахш ғоялар, Тошкент меҳнат аҳли ривожланишининг асосий босқичлари, шаҳар меҳнаткашларининг бугунги ютуқларигина эмас, шу билан бирга уларнинг бундан буёнги режалари, улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини кутиб олишга ҳозирлик кўраётган янги марралар ҳам ўз ифодасини топган.

Намойиш қатнашчиларидан кўпчилигининг кўкракларида жанговар орден ва медаллар — Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда кўрсатилган ҳарбий шон-шавкат нишонлари ярқираб турибди. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 35 йиллиги арафасида даҳшатли йилларда жонажон еримизни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилиб, ўзининг қонини ва ҳатто жонини ҳам аямаган ветеранлар шаънига айтилаётган табриknомалар айниқса самимий янграмоқда. Ветеранларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам сафда бўлиб, тинч меҳнатлари билан Ватанимизнинг қудрати ва шон-шуҳратини оширмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг Биринчи Май колонналари кўркам ва ранг-баранг бўлиб, уларда одамлар жуда кўп. Кўкка парвоз қилаётган лайнер, энг янги модификациядаги трактор, ғоят хилма-хил ранг-даги газламалар — корхоналарнинг майдонлар ўтаётган Биринчи Май колонналари эмблемаларида ленинча миллий сиёсат қуёши остида, қардош совет халқларининг ягона оиласида беш йиллик-лар мобайнида таркиб топган бугунги Тошкентнинг саноат имкониятлари нақадар бой эканлигини акс эттиради. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида — шаҳарнинг ҳозирги экономикаси қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи коммунистик меҳнат коллективида ўнлаб миллат намояндалари меҳнат қилмоқда. Бу коллективни ҳақли равишда техника тараққиёти машъали деб атайдилар. Бу ерда асбоб-ускуналар доимо такомиллаштириб турилади, энг илғор технологий жорий этилган. Тошкент трактор заводининг коллективи ҳам техника тараққиёти йўли ва ишчилик билан амалга оширилаётганлиги тўғрисида намойишда рапорт бермоқда. Трактор заводининг конвейеридан тобора кўпроқ қудратли машиналар тушмоқдаки улар дала меҳнаткашларининг мўл ҳосил учун олиб бораётган курашида янги имкониятлар очиб беради.

Колонналарнинг байрам безакларида «5 миллион 850 минг тонна» рақами қайтақайта такрорланади. Бу рақамлар Ўзбекистон «оқ олтин» миришкорлари бу йил учун қабул қилган ва пахтачиликнинг бутун тарихида энг юксак бўлган мажбуриятнигина акс эттириб қолмай, шу билан бирга тошкентликларнинг ўроқ ва болга бузилмас анъаналарига содиқликларини ҳам ифода этади. Шаҳар меҳнаткашлари деҳқонларнинг юмушларидан четда турмаётганлари ҳиссаларини муттасил кўпайтиришга интилмоқдалар.

Шаҳардаги тўнғич ва бугунги кунда етакчи машинасозлик корхоналаридан бири — «Ташсельмаш» заводининг меҳнаткашлари байрам намойишида айни мана шуларни маълум қилмоқдалар. Ташсельмашчилар Ленин майдонидан биринчи пахта териш машинасини олиб ўтган урушдан кейинги ўша Биринчи Май ўтмишда қолди. Завод конвейеридан тушган «зангори кемалар» пахтачиликда чинакам революция қилиш имконини берди, ҳосил йиғим-теримида минг-минглаб деҳқонларни қўл меҳнатидан халос қилди. Эндиликда «Ташсельмаш» тамғаси қўйилган, бир неча марта такомиллаштирилган, ҳозир музей экспонати бўлиб қолган дастгоҳларига муталақо таққослаб бўлмайдиган пахта териш комбайнларини пахтакор республикаларимизнинг далаларидагина эмас, шу билан бирга кўпгина чет мамлакатларнинг пахтазорларида ҳам кўриш мумкин.

Бинокорлар колоннаси узра кўтарилган транспарантга «Беш кунлик иш топшириғини тўрт кунда бажарамиз!» деган сўзлар ёзилган. Мана шу ердаги ва тошкентликларнинг фахри бўлиб қолган бошқа кўпгина ажойиб шаҳар ансамбларини, кўркам биноларини уй-жой кварталларини ўз қўллари билан барпо этган кишилар пойтахтнинг бош майдонидан ўтиб бормоқдалар. Намойиш қатнашчилари орасида СССР Давлат мукофоти лауреати Исмоил Орипов бошлиқ бригаданинг аъзолари бор. Улар беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ҳаракатининг ташаббускорлари бўлдилар. Бригада пудрати методи билан ишлаётган шонли коллектив шу ташаббус туфайли беш йиллик топшириқни муддатидан бир йил барвақт тугаллади. Бригада беш йиллик бошидан буён барпо этган сифатли ва кўркам уйлар бугун Тошкентда бутун бир кўчани ҳосил қилиши мумкин эди.

Байрам юриши майдон бўйлаб бирин-кетин ўтиб бормоқда. Мамлакатда аҳоли сони жиҳатидан тўртинчи шаҳар бўлган Тошкентнинг бутун меҳнат аҳли вакиллари намойишчиларнинг сафларига қўшилдилар. Транспорт ва коммунал хўжалик, савдо-сотиқ ва маиший хизмат ходимлари, олимлар ва студентлар, ўқитувчилар, медиклар, адабиёт ва санъат арбоблари, барча иқтисодий союзларнинг намояндалари Биринчи Май колонналарида ўтадилар. Меҳнат аҳли тўғрисидаги ғамхўрликни ҳамма нарсадан юқори қўяётган жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шарафига табрик сўзлари, бир овоздан айтилган «ура» садолари янграйди.

Майдон узра «Дўстлик! Қардошлик! Бирлик!» сўзлари жаранглайди, колонналардаги намойишчилар ҳам шу сўзлар ёзилган транспарантларни кўтариб олишган. Байрам юришида ўтиб бораётган социалистик ва ривожланаётган мамлакатлардан келиб Тошкентдаги ўқув юртларида таълим олиб ишчилик касбларини ўрганаётган йигит ва қизларни минбардагилар қарсаклар билан кутиб оладилар. Намойиш қатнашчилари афғон студентларини — ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун, халқаро империализм гиж-гижлаётган ташқи агрессияга қарши курашаётган, 1978 йилги Апрель революцияси ғалабаларини мардонавор ҳимоя қилаётган халқнинг вакилларини айниқса самимий табриклайдилар.

Тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри — Тошкент Биринчи Май намойишида интернационализм идеалларига астойдил содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Тошкентликлар Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно тинчликсевар ташқи сиёсатини, халқаро кескинликни юмшатиш, ер юзидаги барча халқлар ўртасида ишонч ва ҳамкорлик ва мустаҳкамлаш йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ленин номли майдондан ўтиб бораётган колонналарнинг охири йўқдек. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари шу байрам юришида Коммунистик партия ва унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганликларини, марксизм-ленинизм байроғига содиқ эканликларини, ўз меҳнатлари билан Ватаннинг қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини яна бир карра яққол намойиш қилдилар.

...Намойишдан сўнг Биринчи Май тантаналари паркларда, маданият саройлари ва ишчиларнинг клубларида, театрларда, тошкентликларнинг хонадонларида давом этди. Шу оқшом байрам мушакбозлиги Тошкент осмонини нурафшон қилди.

А. БАРАНОВ,
Ю. КУКАРКИН,
Ўзбекистон информация агентлигининг мухбирлари.

Республикамиз пойтахти Тошкентда бўлиб ўтган 1 Май намойишидан лавҳалар.
А. Тўраев, Р. Шамсуддинов ва Р. Шагаев фотолари. (ЎзТАГ).

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети коллегияси билан Маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг Президиуми 1980 йил биринчи квартал якунларига кўра «Матбуот» Тошкент полиграфия бирлашмаси офсет босма фабрикасининг, Тошкент областидаги Ўрта Чирчиқ район босмахонасининг ва Тошкент кутубхона коллекторининг коллективларини кўчма Қизил байроқ ва биринчи пул мукофотлари билан тақдирлади.

«Ўқитувчи» китоб нашриёти коллективи яхши ишлаганлиги қайд қилиб ўтилди. Бу коллектив иккинчи пул мукофотига сазовор бўлди.

* * *

Маданий-оқартув муассасалар Бутуниттифоқ мусобақасининг якунларига муваффақ А. С. Пушкин номли Наманган маданият ва истироҳат парки СССР Маданият министрлиги билан Тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи пул мукофоти билан тақдирланди. Й. Охунбобоев номли Тошкент шаҳар маданият уйи, Самарқанд шаҳридаги Икромов номли давлат тарих ва санъат музейи иккинчи пул мукофотига, Ургут районидаги Илонли қишлоқ маданият уйи, Москва районидаги Янгийўл қишлоқ клуби ва Оҳангарон район ижроия комитети 2-маданият бўлимининг автоклуби учинчи пул мукофотига сазовор бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК УЧУН

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ АКАДЕМИК Н. БЛОХИН ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Кишилар бахт-саодатга бўлган ишончни, келажакка бўлган умидларини, яшаш ҳуқуқининг ўзини тинчлик билан боғлайдилар. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш — халқаро муносабатларнинг марказий проблемасидир. Ижтимоий тараққиёт истиқболлари, инсониятнинг тақдири ана шу проблеманинг ҳал этилишига боғлиқ. Агрессия кучларига қарши сабот ва изчиллик билан курашиб келаётган, тараққиёт ва эркинлик ишини ҳимоя қилаётган Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати ер юзидаги ғоят кўп аҳолининг ҳаётий манфаатларига мос келади.

Тинчлик, кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик учун кураш олижаноб идеаллари кўпгина атоқли давлат арбоблари, сиёсий арбоблар ва жамоат арбобларини илҳомлантирмоқда. СССР Олий Советининг Президиуми таъсис этган «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти шу курашга қўшган ҳиссаси кўпчиликка манзур бўлган кишиларга бериладиган юксак мукофотдир. Бу мукофот лауреатларининг сафларига бешта янги ном қўшилди. Совет ва чет эл жамоатчилигининг таниқли вакиллари кирган комитет 1979 йилги халқаро Ленин мукофотларини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Лауреатлар орасида Финляндия республикасининг президенти **Урхо К. Кекконен** бор. Унинг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти Европада ва бутун дунёда яхши маълум. Финляндиянинг атоқли давлат, сиёсий ва жамоат арбоби У. К. Кекконен Финляндия парламентининг раиси бўлган, унинг ҳукуматига бошчилик қилган, 1956 йилдан эса республика президенти лавозимида ишламоқда. У президент Ю. Паасикиви билан бирга Совет Иттифоқи билан дўстликка қаратилган Финляндия тинчликсевар ташқи сиёсий йўлига асос солди ва қариб чорак асрдан бери мана шу йўлни амалга оширишга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу йўл «Паасикиви—Кекконен» йўли деган ном олди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Финляндиянинг пойтахти Хельсинкида бўлган кенгашни тайёрлаш ва ўтказишда Финляндия давлат раҳбарларининг кўшган ҳиссаси яхши маълум. Финляндия президенти У. К. Кекконен раҳбарлигида кенгаш Якунловчи актининг ҳамма принципларини ва моддаларини оғишмай амалга ошириш учун курашмоқда.

Финляндия республикасининг президенти қуролланиш пойгасини тўхтатиш, Европада қурол-яроғларни чеклаш учун, янги хил ялпи қирғин қуроллари ишлаб чиқилишига қарши сабот билан курашмоқда. Унинг Европа шимолини ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусларини маъқулловчилар кўп бўлди. Финляндия БМТнинг кейинги сессиясида Европа учун қуролсизланиш программасини ишлаб чиқиш тўғрисида киритган таклиф конструктив жиҳати билан ажралиб туради.

Вьетнам халқининг шонли фарзанди, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари **Ле Зуаннинг** кўп ёқлама фаолияти тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган меҳнаткашларнинг, эзгу ниятли барча кишиларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Ле Зуан партия сафига кирган 1930 йилдан бери унинг ҳаёти Вьетнам халқининг миллий озодлик учун, Вьетнамда социализм ғалабаси учун қаҳрамонона кураши билан чамбарчас боғланган. У шу курашда актив қатнашганлиги, марксизм-ленинизм идеяларини пропаганда қилганлиги учун неча бор қамоққа олинган эди. Хо Ши Миннинг жанговар сафдоши Ле Зуан Вьетнам халқининг Франция мустамлакачиларига, Америка агрессорлари ва Хитой гегемончиларига қарши курашидаги катта ғалабаларида муҳим роль ўйнади.

1960 йилда Ле Зуан ВКП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб, 1976 йилда эса Бош секретари қилиб сайланди. Кўп йиллар Ле Зуан бошчилик қилган ВКП Марказий Комитетининг раҳбарлигида Вьетнам халқи қардош мамлакатларнинг актив мадади билан социализм моддий техника базасини қуришда ажойиб муваффақиятларга эришди.

Ле Зуан партиясининг Вьетнам халқининг мустақиллик ва озодлик шароитларидаги тинч ва бахтиёр ҳаёт сари интилишларига мос келувчи ташқи сиёсий йўлини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга катта шахсий ҳисса қўшди.

Жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги Ле Зуан бошлиқ социалистик Вьетнамнинг Вьетнам коммунистлари партиясининг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун, империализмга қарши олиб бораётган қатъий ва изчил курашига юксак баҳо бермоқда.

Пабло Неруда Венесуэланинг атоқли ёзувчиси ва ижтимоий-сиёсий намояндаси **Мигель Отеро Сильва**ни Лотин Америкасининг виждони деб атаган эди. Ҳозирги замоннинг энг катта романчиларидан бири, эҳтиросли публицист ва шоир Мигель Отеро-Сильва Венесуэла миллий маданиятини ривожлантиришда катта роль ўйнади.

М. Отеро-Сильва Испания республикачиларининг фашизмга қарши курашида қатнашган. Венесуэла журналистлари уюшмасининг президенти, Венесуэла миллий конгрессининг сенатори бўлган. У Чилидаги фашистлар режимини, Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларидаги АҚШ империализми гумашталарининг реакцион диктатураларини ғазаб билан фош қилмоқда, тинчликни ҳимоя қилиш, кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун эҳтирос билан курашмоқда.

Франциялик атоқли ёзувчи **Эрве Базен** озодликка меҳри-муҳаббати, фашизмга нафрати билан ажралиб туради. Машҳур Гонкурлар академиясининг президенти бўлган Эрве Базен турли мамлакатларнинг ёзувчилари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга актив кўмаклашмоқда. У иккинчи жаҳон уруши йилларида Қаршилик ҳаракатида актив қатнашган. Э. Базен ҳозирги вақтдаги Чили фожиасидан ижтиробланиб «Оташ дамини оташ қирқади» романида уни баён қилди. Э. Базеннинг совет кишиларига яхши таниш китобларини бутун дунё ўқимоқда. Ёзувчи бу китобларда ифодаланган социал адолат, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик идеалларини ўзининг ижтимоий фаолиятида ҳам ҳимоя қилмоқда.

Халқаро Ленин мукофотининг янги лауреатлари орасида яна бир ёзувчи — мисрлик **Абдураҳмон ал-Ҳамисий** бор. Совет китобхонига таниш унинг китоблари араб мамлакатларида шуҳрат топган. Миср халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши миллий озодлик курашининг актив қатнашчиси, иккинчи жаҳон уруши йилларида антифашист публицист, қизғин ватанпарвар ва Мисрдаги реакцион подшолик режимининг муҳолифи А. ал-Ҳамисий Жамол Абдул Носирнинг империализмга қарши йўлини, унинг Миснинг тинчликсевар кучлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантириш йўлини бутун қалби, бутун кучғайрати билан қўллаб-қувватлади.

Ҳозир А. ал-Ҳамисий мамлакатнинг ватанпарвар кучларини бирлаштириш борасида катта иш олиб бормоқда, АҚШ ҳомийлигидаги Миср — Исроил сепарат битимларига қарши арабларнинг прогрессив антиимпериалистик негизгаги бирлигини мустаҳкамлаш учун, Яқин Шарқдаги можарони одилона сиёсий бартараф этиш учун курашмоқда.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш-да катта хизмат кўрсатган ана шу кишилар ҳалқаро Ленин мукофотига сазовор бўлдилар. Эътиқодлари турлича бўлган бу кишилар ҳалқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, озодлик ва социал тараққиёт учун курашишдан иборат буюк ишга ўзларини бағишладилар. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА БАЙРАМ МАРШИДА

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИГИ КУНИ БАЙРАМИ

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнатчилари порлоқ тинчлик ва меҳнат байрамини коммунистик жамият қурилишида янги ғалабалар билан, зўр сиёсий активлик билан нишонладилар.

⊙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Нукуснинг меҳнат аҳли байрам намойишига қизил байроқлар остида чиқди. «Каракалпакирсовхозстрой» территориал бошқармаси вакилларининг колоннаси шундай рапорт берди: тўрт ойлик топшириқ муддатидан илгари тугалланди, ўнинчи беш йиллик режалари илдам бажарилмоқда. Бугун ўн мингдан ортиқ илғор ишчилар шахсий беш йиллик топшириқларини барвақт бажарганликларини маълум қилдилар.

Мамлакат пахтачилигининг энг шимолий зонаси бўлган автоном республикада «оқ олтин» етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Айни вақтда Амударё этакларида жуда катта шоликорлик базаси ҳам вужудга келтирилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ неча юз минг гектар ер шолипояга айлантирилган. Деҳқонлар беш йилликнинг тугалловчи йилида шоли етиштиришни 280 минг тоннага етказишга сўз берганлар.

Бутун Қорақалпоғистон эли байрам намойишига чиққан. Унинг меҳнатчилари ўтган йилги социалистик мусобақада КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритганликлари билан фахрланиб, эндиликда меҳнатда янги ғалабалар қозонишга шайланмоқдалар. Қурувчиларнинг ҳам Биринчи Май куни фахрланадиган ишлари бор — Газўчоқ — Туямўйин — Тўрткўл — Беруний темир йўл магистралини қуришга муддатидан илгари киришилди. Пахтакорлар янги марраларни эгаллашга аҳд қилганликларини билдирмоқдалар. Орол балиқчилари, Устюрт газчилари ва геологлари, Қизилқум чорвадорлари, қадимий суғориш массивларини ўзлаштирувчилар колонналарга тизилиб ўтадилар.

⊙ ТОШКЕНТ

Чирчиқ ва Ангрен, Бекобод ва Янгийўл, Олмалиқ ва Янгиобод шаҳарлари, Тошкент областидаги бошқа шаҳар ва поселкаларнинг намойишчилари кўтариб ўтган плакатлар ва паннолар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқини тасвирлади.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг химиклари ўз бурчларини адо этганликлари билан фахрланиб намойишга чиқдилар. Йил бошидан бери улар Ўзбекистон деҳқонларига топшириқдан ташқари йигирма минг тонна минерал ўғит жўнатдилар. Область саноат корхоналари байрам кунигача пландан ташқари 32 миллион сўмликдан знёд маҳсулот берди. Намойишчилар янги-янги уйлар, мактабларнинг макетларини, қурилиш ишларининг ўсиш суръатларини тасвирловчи диаграммаларни кўтариб ўтдилар.

⊙ САМАРҚАНД

Самарқанднинг марказий майдонидаги байрам намойишини очишдек фахрий ҳуқуқ ишлаб чиқариш илғорларига берилди. Ўз шаҳрининг шонли меҳнат анъаналарига садоқатли самарқандликлар ўнинчи беш йилликни зарбдорларча тугаллашга интилмоқдалар. Беш йиллик топшириқлари барвақт бажарилганлиги учун ўн ун учта корхона ва ташкилот, минглаб илғор меҳнатчи Биринчи Май арафасида Ленин Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. «Ҳужум» фабрикасининг машҳур пиллакаши, СССР Давлат мукофотининг лауреати Расул Саидов беш йиллик бошланганидан бери ўн бир йиллик программани бажариш билан байрамни кутиб олди. Маҳаллий саноат тикув фабрикасининг каштачиси Сайёра Муҳаммадқулова тўрт ойлик нормасини уч ҳисса ошириб бажарди.

Шаҳарнинг ҳозирги саноат потенциалини кўп жиҳатдан белгилаб турган қудратли замонавий корхона — лифтсозлик заводининг механиклари Ильич ҳайкали ёнидан ўтадилар. Завод коллективи лойиҳа қувватини пландаги муддатидан анча илгари ўзлаштириб, ҳозир беш йилликни барвақт тугаллаш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

⊙ БУХОРО

Шу куни қадимий Бухоро ёшариб кетгандек бўлди. Янги-янги хиёбонлар, гулзорлар, замонавий баланд иморатлар пайдо бўлди. Биринчи Май арафасида ўнлаб оналар «Шарқ-1», «Шарқ-2» деган янги микрорайонлардаги янги уйларга кўчиб чиқди.

Илғор корхоналар — Бухоро пахта тозалаш заводи, «Бухарагазпромстрой» трестининг коллективлари, ипгазлама комбинати иккинчи навбатининг қурувчилари ва беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари учун Ленин Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган бошқа коллективлар байрам колоннасида минбарлар ёнидан ўтадилар.

Ленин майдонида болгар халқ қўшиғи янграйди. Болгария қурувчилари группасининг аъзолари газ саноати объектларининг бухороликларга қурувчилари билан биргаликда Ўзбекистонда тинчлик ва меҳнат байрамини, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг бирдамлик байрамини кутиб олмоқдалар.

Область марказидаги, индустриал Навоийдаги, ўзбек олтин кончиларининг шаҳри — Зарафшондаги, Газли, Учқудуқ, Когондаги, область районларидаги байрам тантаналари ярим кечагача давом этди.

⊙ ФАРҒОНА

Кўклам либосига бурканган Фарғона Биринчи Майни ранг-баранг байроқлар ва транспарантлар билан кутиб олди. Намойишни партия ва меҳнат, граждан уруши ветеранлари бошлаб беришди. Улар ғетидан бамисоли кўкса аврлод қўлидаги шонли ишлар эстафетасини қабул қилаётгандек ёшлар — мактабларнинг ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг ва техникумларнинг студентлари ўтишди. Индустриал Фарғонанинг ишчи гвардияси: нефтни қайта ишловчилар, химиклар, пойабзалчилар, тўқимачилар, қурувчилар улардан сўнг майдонга кириб келишади.

Намойишчилар область саноат корхоналари тўрт ойлик программадан ташқари етти миллион сўмликдан кўпроқ турли саноат маҳсулоти реализация қилганликлари тўғрисида меҳнат рапорти бердилар.

⊙ НАМАНГАН

Наманган меҳнат коллективлари Биринчи Май намойишига зафар рапортлари билан чиқдилар.

Машинасозлик заводининг ишчилари байрам намойишининг олдинги сафида ўтишди. Зарбдор ленинча вахтада юксак суръат билан меҳнат қилган машинасозлар Биринчи Майни пландан ташқари 120 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан кутиб олдилар.

Машинасозларнинг сафларида штамповкачилар бригадири, Ўзбекистон Компартияси XIX съезднинг делегати А. С. Обиджонов, Ватан уруши ва меҳнат ветерани кўп станокчи слесарь Р. Сераевсевлар бор. Уларнинг ҳар иккови иккитадан беш йиллик программани бажариб бўлишган. Уларнинг қирқ иккинчи йилдаги байрам колоннасида ёнма-ён ишлаб ўтмоқда.

Машинасозлар фақат аъло сифатли маҳсулот реализация қилиш билан бирга ўнинчи беш йилликни бўлтурғилан салкам ярим миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқариш ва йиллик топшириқдан ташқари 200 минг сўмлик ортиқча маҳсулот бериш билан тугаллаш мажбуриятини олганлар.

⊙ АНДИЖОН

Андижонда баҳор байрами — Биринчи Май шодиёна ўтди. Меҳнаткашлар партиясининг Биринчи Май Чақириқларига зарблар меҳнат билан жавоб бериб, уни меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Ўнлаб илғор коллективлар, минглаб ишчилар, қурувчилар беш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Область асфальт-бетон заводи, «Андижанэлектросеть» корхонаси ва бошқа коллективлар майдонда социалистик мусобақасининг ғолиблари бўлишди. Андижон сув омбори қурилиши зарбдор суръатлар билан тугалланмоқда, ип газлама комбинати бунёд этилмоқда.

Намойишчилар область марказидаги Ленин номли майдондан кўтариб ўтган шиорлар, транспарантлар, жадваллар мана шуларни ҳикоя қилади.

Областнинг донгдор кишилари — шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб бўлиб, эндиликда янги беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган илғор пахтакорлар, чорвадорлар, ишчилар колонналарда одим ташлаб ўтдилар. Партия ва меҳнат, Ватан уруши ветеранлари колонналарнинг биринчи сафида майдонга кириб келишди. Улар бахтиёр турмуш қурилишига ажойиб ҳисса қўшганликлари кўксиларидаги нишонларидан билиниб турар эди.

Андижонликлар беш йиллиннинг якунловчи йилида Ўзбекистоннинг 5 миллион 850 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига салмоқли ҳисса қўшишга ваъда бердилар.

⊙ ҚАШҚАДАРЁ

Қўриқ ўлка пойтахти — Қаршининг Қизил майдони тантанавор безатилган. Қашқадарёликлар Биринчи Майга янги зафарлари тўғрисида рапорт бердилар. Ўтта янги газ кони очилди. Йилига беш миллиард куб метр газни қайта ишлай оладиган Муборак заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. Қарши магистрал каналининг еттинчи босқичидаги нобод ҳосилар монтаж қилина бошлади.

Пахтакорлар Биринчи Май арафасида ўз меҳнатининг дастлабки якунларини чиқардилар. Улар экиш-тикиш ишларини аввалги йилларга нисбатан анча барвақт тугалладилар. Пахтакорлар биринчи марта бу йил давлат хирмонига 600 минг тонна «оқ олтин» жўнатишга ваъда бердилар.

⊙ СУРХОНДАРЁ

Термизнинг улуғ Ленин номи билан аталувчи бош майдонидан ранг-баранг безалган колонналар ўтди. Уларнинг сафларида пахта тозаловчилар, қурувчилар, транспорт ходимлари бор эди. Панно ва транспарантларга меҳнат ғалабалари рапортлари ёзилган. Область саноат корхоналарининг коллективлари тўрт ойлик программадан ташқари тўрт ярим миллион сўмликдан знёд маҳсулот реализация қилдилар. Афғонистон Демократик Республикасига моллар ва асбоб-ускуналар етказиб берилаётган Термез порти кемаларининг илғор экипажлари пландан ташқари кўп минг тонна юк ташидилар.

Сурхон водийсининг асосий бойлиги бўлмиш «оқ олтин» етиштираётган областнинг қишлоқ механизаторлари ҳам намойишчиларнинг колонналарида ўтишди. Ҳамма хўжаликларда чигитлар дуркун униб чиқди ва дала меҳнатчилари ваъда қилганидек байрам кунигача ғўза қатор оралари биринчи бор юмшатиб бўлишди.

⊙ СИРДАРЁ

Гулистоннинг байрамона либосдаги кўчалари бўйлаб ўтган колонналарда чорак аср муқаддам Мирзачўлга келиб, уни фидокорона меҳнати билан яшнаб турган диёрга айлантирган кишилар кўп эди. Сирдарёликлар бепоён қўриқ ерларни комплекс ўзлаштиришнинг, пахта етиштиришни тўла механизациялашнинг ажойиб намунасини кўрсатдилар.

Байрам намойишининг қатнашчилари пахта, дон, сут ва гўшт етиштиришда, электр энергия, ғишт, темир-бетон, хилма-хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда мирзачўлликлар эришган муваффақиятлар тўғрисида Биринчи Майга рапорт бердилар.

⊙ ЖИЗЗАХ

Жиззах кўчаларидан ўтган намойишчиларнинг сафларида ҳам чўлқуварлар кўп эди. Жиззах даштининг кўз илгамас кенгликларида улар катта ҳирмон кўтариш учун чинакам жанг қилмоқдалар.

Улар йил сайин даштдан янги-янги массивларни ўзлаштириб олмоқдалар, кўпик ерлардан мамлакатга тобора кўп пахта етиштириб бермоқдалар. Область марказида ҳам, эндигина ташкил этилган совхозларда ҳам бўлиб ўтган байрам тантаналарининг қатнашчилари — шу йил кўкламида янгидан ўзлаб ва минглаб гектар ерларга чигит экканликлари, илгари ўзлаштириб етган даштда униб ўсаётган бояларо оралиғида қад кўтарган янги поселкалар ҳақида рапорт бердилар.

⊙ ХОРАЗМ

Бу йилги Биринчи Май кувичача Урганчда кўпдан-кўп янги қурилишлар пайдо бўлди. Шийпли-гарбда тез ўсаётган миклобайнга янги кўчиб келган меҳнаткашлар байрам намойишига қўшилдилар. Намойишни беш йиллики баҳоланган бажариб бўлиб, Ленин Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари колоннаси бошлаб берди. Область марказидаги етти юздан ортиқ меҳнаткаш ҳозир 1981 ва 1982 йиллар ҳисобига ишламоқда.

Сут-мой заводининг тикувчилик, пиллакашлик ва мебель фабрикаларининг, ип комбинатининг бошқа корхоналарининг ходимлари минбарлар ёнидан ифтихор билан ўтдилар. Чунки Урганч саноати байрам кунигача тўрт ойлик пландан ташқари 100 минг сўмлик ҳар хил маҳсулот реализация қилди.

Биринчи Май намойиши тўғрисидаги репортажни ЎзТАГ мухбирлари: П. БАРНАШЕВСКИЙ, Р. БИЧУРИН, Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ, Ф. КОСТЮШКИН, О. ПАНОВА, У. САКСОНБОЕВ, В. ТАТАРИНОВ, А. ФОЗИЛОВ, В. ШУМАЙЛОВ олиб бордилар.

XXXV ЙИЛ

ҒАЛАБА ПАРАДИ ҚАТНАШЧИСИ

Туркистон ҳарбий округи музейида 1945 йил Буюк Ғалабани яқинлаштириб, Берлинга шturм қилган туркистонлик жангчиларнинг сурати бор. Даҳшатли уруш йўлларини босиб ўтиб, фашизм деган вабога қарши, она-Ватан озодлиги учун жанг қилган бу солдатлар орасида сержант Усмон Омоновнинг ҳам сурати бор.

Кавказдан Берлингача уруш билан жанговар йўлни босиб ўтган сержант кейинчалик Ғалаба парадида қатнашди. Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган буюк Ғалабаси шарафига ўтказилган бу парадда I-Белоруссия фронтининг ўнғма полки сафида шаҳдам одимлаб борib, В. И. Ленин мавзолейи остига мағлуб бўлган фашист байроғини улоқтириб ташлар экан, шу дақиқада урушнинг ҳамма қийинчиликлари унутилгандай бўлди. Ғалаба нашидасидан маст бўлган совет кишиларининг қувончли «Ура!» садолари Москва Қизил майдони узра янграганда парад қатнашчилари Ғалаба билан Совет ерига шодлик, хурсандчилик қайтганлигини, бунинг эвазига нечанеча миллион совет кишилари ўз жонларини қурбон қилганликларини яхши билардилар.

Усмон Омонов эса уруш қулфатларини чакана тортмади. 120 миллиметрли миномёт стволини елкасига қўйиб, шаҳар ва қишлоқларимизни вақтинча ташлаб чиқаётган аскарлар билан бошини қўйи солиб чекиниш алмларини ҳам, душман устига мина ёғдирганда, «чақирилмаган меҳмонлар» биринкетин ер ютганда Ватан олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан бажариш фаҳолиниш ғуйтусини ҳам тотиб кўрди.

Душман Кавказ тоғларида ҳужумни давом эттираётган бир пайтда, уни нефть районларига чиқиб олишига йўл қўймаслик учун ҳамма чоралар кўрилди. Жангларда тобланган 34-ўқчи бригада Оржоникидзе шаҳри томон интилаётган душман йўлини тўсиш учун ташланди. Мудофаага ўтиш белгиланган жойга бригада кечаси етиб келди. Дам олиш ўрнига траншеялар қазилди. Ўт очиш нуқталари маскировка қилинди. Тонг отиши биланоқ автомашиналарда душман кучлари яқинлаша бошлади. Лейтенант Попов командирлигидаги миномётчилар батареяси душман устига ўт очиш тўғрисида буйруқ олди. Усмон миномёт наводкачиси эди. У нишонга олган миномётдан отилган биринчи мина душман тушган машинанинг чап томонида портлади. Иккинчи мина эса тўғри машина устига тушди. Ерга сакраб тушишга улгурмаган фашистлар яксон қилиб ташланди. Кейин батареядаги бошқа миномётлар тилга кирди...

Усмон буларни ўз кўзи билан кўрмаган, командир буйруғи билан миномёт прицелини ўзгартириш билан овора эди. Кузатиш пунктидан иккинчи минанинг бехато нишонга текканини хабар қилишди. Душман йўлига ғов солинди. Қўшинларимиз бир қадам ҳам чекинмадилар.

Шу жангдаги жасорати учун бошқа жасур жангчилар қатори Усмонга ҳам «Жасурлиги учун» медали топширилди.

1942 йилдан 34-ўқчи бригада 301-ўқчи дивизия составига кирди ва 1054-ўқчи полк деб атала бошлади. Бу полк Украина, Белоруссия ерларини озод қилишда қатнашди. Гнезен, Влоцлавек, Коло, Сохочев, Скерневице ва Лович каби поляк шаҳарларининг аҳолиси халоскор совет жангчиларини гуллар билан қутиб олишганда бу жангчилар орасида сержант Усмон ҳам бор эди.

301-ўқчи дивизия Берлин йўналишида ҳужумга ўтиб, Одер дарёсининг ғарбий соҳилидан плацдармни эгаллади. Жангчилар фашизмни ўз инида янчиб ташлашга шу қадар зўр иштиёқ билан ошиқар эдиларки, солдатлар қандай қилиб бўлмасин плацдармга ўтиб олишга шошилар, ҳар бир солдат ўзи учун ва плацдармда жанг қилаётганлар учун ўқ-дори олиб ўтишга интилар, озиқ-овқат эса ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Плацдармни эгаллаб турган жангчилар эса кунига душманнинг танклари ва ўзиюрар тўплар паноҳида 10—15 марталаб қилган ҳужумни қайтарардилар.

1054-ўқчи полк шу плацдармни маҳкам ушлаб турди ва дивизиянинг дарёдан кечиб ўтиб, ҳужумни кучайтиришига йўл очиб берди. Миномётчи Усмоннинг мардлиги ва жасорати II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Собиқ жангчи Омоновнинг архивида Олий Бош Қўмондонлик номидан берилган раҳматномалар авайлаб сақланмоқда. Уларнинг орасида Украинадаги Бендери шаҳри ва қалъаси, Польшадаги Бжесць-Куявски, Лович шаҳарлари. ниҳоят Берлин штурмида қатнашганлиги ва уни олишда актив иштирок этганлиги учун берилган ташаккурномалар бор.

Ғалаба паради составида Қизил майдондан ўтгач, Усмон Омоновни қўшма полк штабининг бошлиги генерал-майор Шульга ҳузурига чақириб, бошқа солдатлар қатори уйга қайтишга рухсат этилганини маълум қилди ва қўлига «1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонган Ғалаба учун» медалини топшириб, оқ йўл тилади.

Собиқ жангчи 35 йилдан буён меҳнат фронтида иштирок этмоқда. Тошкент шаҳрида ёнига «Намунали хизмат гарантияланади» деган такси машинасини учратиш мумкин. Усмон Омонов ана шундай машиналардан бирида тошкентликларга, пойтахт меҳмонларига хизмат қилмоқда.

И. ҲАЙДАРОВ.

СПОРТ

Мактаб ўқувчиларининг республика Спартакиадаси давом этмоқда. Спорт гимнастикаси бўйича мусобақалар Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида ўтказилди. Наманганлик Е. Салямова Спартакиаданинг мутлақ чемпиони бўлди. Умумкоманда ҳисобида тошкентликлар голиб келишди. Суратларда: наманганлик Р. Ахтямов (чапда) ва Спартакиада чемпионлари — тошкентлик гимнастикачилар.

Л. Гусеинов фотолари.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● ВЕЛОПОЙГА. Республика Министрлар Совети совғаси учун Ўзбекистон йўллари бўйлаб ўтказилган нўпкунлик пойга кеча ниҳоясига етди. Велосипедчилар сўнгги 12-босқичда Ангрен — Тошкент оралиғида куч синашишди. Қўқон — Ангрен маршрутидаги 11-босқич бўйича 142 километр йўл босган пойгачилар орасида молдавиялик Михаил Сухорослов маррага биринчи бўлиб келди. Команда ҳисобида воронежликлар мувaффақият қозонишди. Жами босқичлар бўйича шахсий ҳисобда тошкентлик Михаил Первеев биринчи ўринда турибди. Умумкоманда ҳисобида тошкентлик армиячилар пешқадамлиқ қилишмоқда.

● МЕРГАНЛИК. Сухумида ўтказилган СССР чемпионатида тошкентлик армиячи С. Колосов МВ-12 машқини бажариш бўйича 587 очко тўплаб, биринчи ўринни олди. Бу республика янги рекорди ҳамда халқаро классли спорт мастери талабларига тенгдир.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА КОМИТЕТИ:

ПОЗИЦИЯ ЎЗГАРМАСДИР

ХОК ижроия комитетининг ва халқаро спорт федерацияларининг яқинда Лозаннада бўлиб ўтган мажлислари бутун дунё спорт жамоатчилигида зўр қизиқиш уйғотди. ТАСС мухбирлари ХОК вице-президенти В. Г. Смирновга мурожаат этиб, бир қанча саволларга жавоб қайтаришини илтимос қилдилар.

— Сизнинг фикрингизча, ХОК ижроия комитети ва халқаро спорт федерацияларни қабул қилган қарорлар қандай аҳамиятга эга бўлади?

— Бу мажлис ўз аҳамиятига кўра, ХОКнинг Лейк-Плэсиддаги сессиясидан кейинги мажлис бўлди. Аввал бўлганидек, бу safар ҳам мажлис қатнашчилари ва миллий Олимпия комитетлари вакилларининг ижроия комитети Лейк-Плэсиддаги 82-сессияда қабул қилинган ХОК резолюциясини қўллаб-қувватлашларини бир овоздан билдиришди. Олимпиадани бойкот қилиш спесий мақсадга эришиш йўлидаги уринишларда йўл қўйиб бўлмайдиган хато усул эканлиги ва шунга ўхшаш ҳар қандай ҳаракатлардан фақат спортчилар жабрланиши қайд этиб ўтилди.

Ижроия комитет билан халқаро спорт федерацияларининг қўшма мажлисида «Олимпиада-80» ташкилот комитетининг ҳисоботи тинглаиди. Тайёргарлик мувaффақиятли бормоқда, деб топилди ва спорт турлари Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, унда қатнашувчилар учун энг яхши техникавий шарт-шароитлар таъминланишига кўмаклашадилар.

— ХОК ижроия комитети Олимпия хартиясидаги мавжуд бир қанча протокол процедураларни қайта кўриб чиқди, деган хабарлар пайдо бўлди...

— Олимпиадалар протоколи ҳеч қандай ревизия қилингани йўқ. Ижроия комитет фақат бир қанча қоидаларни тушунтириб берди. Мажлис арафасида ижроия комитет турли мамлакатларнинг миллий Олимпия комитетлари вакиллари билан учрашди. Миллий Олимпия комитетининг вакиллари ҳукумат ташкилотлари томонидан таъқиқни сезиб, бир қанча илтимослар билан мурожаат қилган эдилар. ХОК уларнинг таклифларини (байроқлар, гимнлар, пул билан, транспорт билан таъминлаш тўғрисида ва ҳоказо) кўриб чиқди. Миллий Олимпия комитетларининг Олимпия ўйинларида иштирок этишларига кўмаклашмоқ учун уларнинг истакларини инобатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

XXII Олимпиада ўйинларининг очилиш паради 19 июлда бўлади. Қоидалар бирон-бир делегация ҳар бир спортчисининг унда иштирок этишини шарт қилиб қўймайди, аммо парадда ҳар бир команда бўлиши керак. Аввалги Олимпиадалар тажрибаси шуни кўрсатадики, очилиш маросимида мумкин қадар кўпроқ спортчи иштирок этишга ҳаракат қилади.

Шуни қайд этишим керакки, Лозаннадаги мажлисда дунёда вужудга келган вазиятни эътиборга олиб XXII Олимпиада ўтганидан кейин ўйинларни, шу жумладан протокол маросимларини спесатдан ташқари қилиб кўйиш зарур деб топилди. Протокол маросимлари келгуси ўйинлар учун қайта кўриб чиқилади. Бу масала 1981 йилда Баден-Баденда (ГФР) ўтказилиши мўлжалланган ХОК конгрессида кўриб чиқилади.

Келгусида протокол маросимларидан спесий таъқиқ ўтказиш учун баҳона сифатида фойдаланиш имкониятига йўл қўймаслик ана шундай ўзгартишлар киритишига сабаб бўлмоқда.

— Маълумки, ХОК ижроия комитети шу йил 13 апрелда Колорадо-Спрингсда қабул қилинган резолюция хусусида АҚШ миллий Олимпия комитетининг изоҳларини тинглади. Бу масалада сиз нималар дея оласиз?

— Шубҳасиз, Колорадо-Спрингсдаги резолюция ҳукуматнинг кучли спесий таъқиқи остида қабул қилинди, бу эса Олимпия хартиясининг асосий қоидаларига хилофдир. Бироқ, АҚШ миллий Олимпия комитети ўз қарорини қайта кўриб чиқишни эҳтимолдан холи қилмаётган экан, халқаро Олимпия комитети қулай вазиятни вужудга келтиришни истаб, XXII Олимпиада ўйинларига қилинган таклифни рад этган ҳамма миллий Олимпия комитетларининг позициясини 24 майдан кейин кўриб чиқишга қарор қилди.

— Миллий Олимпия комитетлари ўйинларда қатнашишдан воз кечаётган мамлакатларнинг журналистлари Олимпиадада бўлишлари мақсадга мувофиқми?

— ХОК ана шу мамлакатларнинг журналистлари иштироки тўғрисидаги масалани кейинчалик: узил-кесил кўриб чиқади. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу мамлакатлар журналистларининг келишини камайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Миллий Олимпия комитети яна бир бор шуни таъкидладики, журналистлар мусобақаларнинг боришини, ўйинларнинг ўзини ёритиш учунгина Олимпиадага келишга рухсат берилади.

(ТАСС).



ЖАНГЧИ ШОИР ШЕЪРЛАРИ

КАКЛИКБОҚАР

Автобусда борардим тоққа,
Жойим эди сўнгги ўриндиқ.
Қути турар, сапчиб ҳар ёққа
Ёш какликлар этарди «тиқ...» «тиқ...»

Бошин эгдим йўлакка шу дам,
Менга бориб нуроний бир чол,
«Жой қолмапти қўйишга қадам,
Овчимисиз?» — бердим сўнг савол...

Қимирлатди эгаси бошин:
«Овчимасман, берялмам тоққа.

Кўрки бўлган юртим тоғ-тошин
Какликларга ёрдам бермоққа.
Кўп какликлар қаттиқ қиш, қордан
Ҳалок бўпти, топилмай дони.
Буларнинг — инкубатордан
Тоғу тошлар бўлар маконим».
Нуроний чол ёнида ўзга
Бир мўйсафид ўлтирарди жим.
Мушук каби кўринди кўзга
Қутиларга қарар бетинам.
Нуроний чол қушлар дўсти-да
Кўпайсин дер, излар йўл-йўриқ
Бошқасининг тўнин остидан
Кўринарди қирқма милтиқ.

АКС-САДО

Тоққа чиқди баҳор фаслида сайёҳ,
Йўлларда кўрди чаман ўтларни.
Бош кўтариб боқиб, кузатди ноғоч
Чўққиларда ётган оқ булутларни.
Кўпчиган кўпикка ўхшарди улар,
Қайнаган сутга ҳам бўларди монанд.

Чўққилар олмосдай сочар учқунлар,
Улкан тоғ дерди, мен заминга фарзанд.
Бағридан полапар саломга чиқар,
Мовий ингоқ билан боқар чучмома.
Ўнгирлар қиш заҳрин салқинин ёнгар,
Муаттар гул атрин анқитар ҳаво,
Шодликдан қайқирди тоғларга сайёҳ
Гумбурлаб олисдан келди акс-садо.
Тоғлар чўнг қалбидан айларди сғоҳ:
Беқиёс бағримга келинг, марҳабо!

САМАРҚАНДУ БУХОРО

Ҳам қадимий ҳам навқирон
Самарқанду Бухоро.
Меҳру дилда кутар меҳмон
Самарқанду Бухоро.
Ҳар бир ғишти кўҳна тарих,
Ҳар қадами табаррук
Олис умрн катта достон
Самарқанду Бухоро.
Яхшиларга очар қалбин
ёзар дилдан дастурхон.
Қадрдонга дўст, қадрдон
Самарқанду Бухоро.
Мардлари бор элга машҳур
Қўллари гул қизларин.
Аҳли шодмон, марди майдон
Самарқанду Бухоро.
Таърифи бор ҳар тарафда,
Уни билан кенг жаҳон.
Зиёратгоҳ, қутлуғ макон
Самарқанду Бухоро.
Боғларининг меваси бол,
Саҳий бағрида иқбол.
Жаннатаро асил бўстон
Самарқанду Бухоро.
Келинг, дўстлар, — кутар меҳмон
дер: — азизлар, марҳабо.
Икки она азиз маскан —
Самарқанду Бухоро.

НАЗАРМАТ.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Калинин районидаги Охунбобоев номли ахтисослашган совхозда қўзилатиш кампанияси ниҳоясига етди. Гўшт ва жун учун етиштириладиган ҳар бош зотли совлиқдан 115 тадан қўзи олинди. Хўжалик отарларида 18700 та қўзи кўпайди. Бу планда кўзда тутилганидан қариб тўрт мингта кўп. Илғор чўпонлардан Тошмир Тақтибоев, Тожибой Пиллалов, Мамут Адаев отарларида ҳар юз бош совлиқдан 141 тадан қўзи олинди.

* * *

Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозидан чўпон Ж. Жонқулов социалистик мажбуриятини муддатидан барвакт бажарди. Тажрибали чорвадор ҳар юз бош совлиқдан 133 тадан қўзи олди. Ж. Жонқулов отарида барча кўзилар сақлаб қолинди. Ҳозир чўпон кўзиларни баланд тоғли яловларга ҳайдашга тайёргарлик кўрмоқда.

* * *

Яккабоғ районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида инкубация станцияси ишга тушди. Бу станция Қашқадарё областида биринчи бўлиб лойиҳадаги қуватга эришди. Станция ҳар ҳафтада хўжаликларга ва аҳолига 50 мингтагача жўжа етказиб бермоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларига кўра, асбоб-ускуналарни ҳарид қилиш ва ишлатиш учун сарфланган маблағлар йил мобайнида қопланади. Сўнгра хўжалик ҳар йили жўжаларни реализация қилишдан 60 минг сўмгача фойда олади.

Қашқадарёнинг бошқа хўжаликларида ҳам ана шундай станциялар қуришга қарор қилинди.

Наманган область болалар шифохонаси кўп тармоқли муассасага айлантирилди. Бу ерда ўндан ортиқ бўлим ва турли ёрдамчи бўлинмалар ишлаб турибди. Суратда: медицина фанлари кандидати Н. Тургунов врач О. Мартинюк билан беморни кўздан кечирмоқда.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси, (ЎзТАГ).

МАЙ ОБ-ҲАВОСИ

Ўрта Осиё регионал гидрометеорология маркази хабар қилади:

Бу йил апрель ойи жуда иссиқ келди. Айниқса, ойнинг иккинчи декадасида ҳарорат юқори бўлди. 16 апрелда кўпчилик районларда ҳарорат 31—36 даражага етди. Қашқадарё областининг ғарбий қисмида ҳарорат 38 даражага кўтарилди. Бундай ҳарорат сўнгги 50 йил мобайнида апрель ойининг иккинчи декадасида кузатилган ўртача ҳароратга яқин, баъзи жойларда эса ундан ҳам юқори.

Май ойида ҳарорат кечаси 10—15, кундузи 27—32 даража иссиқ бўлади. Ойнинг биринчи декадасида ва иккинчи, учинчи декадаси охирида ҳароратнинг пасайиши кутилади. Республиканинг шимолий районларида ҳарорат кечаси 3—8, кундузи эса 17—22 даражагача пасайиши кутилади. Қолган жойларда ҳарорат кечаси 7—12, кундузи 20—25 даража бўлади. Май ойида ҳавонинг ўртача ойлик температураси нормадан юқори бўлади. Республиканинг шарқий районларида эса нормага яқин бўлиши кутилади. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларида ҳавода булут кам бўлади. Ой давомида қисқа муддатли ёмғир ёғиб туриши кутилади. Республиканинг шимолий районларида намгарчиликнинг ойлик миқдори нормадам кам, қолган территорияларда нормада ва нормадан ортиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 МАЙ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.20 — Гимнастика. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.35 — Қувноқ нотачалар. 11.35 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Музей ва кўргазма залларида бўлиб. 12.35 — Концерт. 13.20 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 13.35 — Спектакль. 15.35 — Фан олами. 16.05 — Электроникининг саргузашти. Бадиий фильм, 1-серия. 17.20 — Ҳайвонот оламида. 18.20 — Цирк майдонида. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Солдат отаси. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали фильм. 23.15 — Альплардаги қорли фантазия. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Миниатюралар театри. 11.10 — Ўзбекистон артистлари ижросида Шарқ халқларининг қўшиқлари. 11.40 — Мультипанорама. 12.15 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 13.15 — Ажойиб хаёлпараст. Бадиий фильм. 18.05 — Фильм-концерт. 18.30 — Май қувончлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Оламга саёҳат. 21.30 — Время. 22.05 — Муножат Йўлчиева куйлайди. 22.55 — Фильмлар.

II.

20.05 — Халифа-Лайлак. 21.10 — Фильм-концерт. 22.05 — Соҳилга рухсат. Бадиий фильм.

3 МАЙ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.05 — Концерт. 10.25 — Будильник. 10.55 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.25 — Спортлото. 11.40 — Оталаримиз қўшиқлари. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 13.10 — М. Глинка «Руслан ва Людмила» операсидан парчалар. 13.40 — Мультфильмлар. 14.15 — А. Твардовский. Василий Тёркин. 1-қисм. 15.25 — Янгиликлар. 15.40 — Василий Тёркин. 2-қисм. 16.45 — Электроникининг саргузашти. Бадиий фильм, 2-серия. 17.50 — Снёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов сўзи. 18.20 — Концерт. 18.45 — Деразадаги шуъла. Бадиий фильм. 19.55 — Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Торпедо». Кўрсатув тугагач янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 11.05 — Сўз кетидан сўз келар. 11.30 — Буратино саргузаштлари. Бадиий фильм. 1-серия. 12.35 — Кино. редакция почтасидан. 13.15 — Эстрада программаси. 18.15 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Университетларнинг дўстлик ҳафталиги. III фестиваль кўрик-конкурси лауреатларининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Кўрик-конкурс лауреатлари концертининг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — С. Аҳмад. Келинлар қўзголони.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

2 МАЙ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.15 — Табассум. 12.10 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 13.00 — Чорвадорлар учун эшитириш ва концерт. 13.30 — Май радиобали. 16.00 — Авлодлар таъзими 16.30 — Май байрам либосида. 18.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 18.30 — Юность Узбекистана. 20.00 — Футбол. «Нефтчи» — «Пахтакор». 21.00 — Табассум. 22.30 — Янги музикали ёзувлар. 23.15 — Май оқшоми.

3 МАЙ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Концерт. 9.30 — Санъат саодатимдир. 10.25 — Дугоналар. 11.30 — Халқ қўшиқлари. 13.00 — Чорвадорлар учун мусобақалашмоқдалар. 13.30 — Баҳор кайфияти. 14.00 — Нурафшон қишлоқ. 16.10 — Талабларингизга биноан концерт. 17.30 — Санъат усталарининг концерти. 18.15 — Идеология ва ҳаёт. 19.45 — Чолғу куйлари. 20.25 — Музикали глобус. 21.00 — Санъат — саодатимдир. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Шанба оқшомида. 23.20 — Дам олиш концерти.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Слесарь-техник — газ пайвандчилар, слесарь-вентиляциячилар, электр-газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, химия ва нефть-химия саноати ускуналари бўйича монтажчилар, токарлар, машинист-кранчилар, автослесарлар, дурадгор-мебелчилар.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН, 15—17,5 ЕШДАГИ ЎГИЛ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига 3 йил ўқиган ўқувчиларга билим юртини битирганлиги, ўрта маълумот ҳақида диплом ва 3—4 разрядга эга бўлганлиги ҳақида ҳужжатлар берилади. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланади. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар билим юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Бир йил ўқиган ўқувчилар 60 сўм миқдорида стипендия оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР УЗБЕКИСТОН ССР «МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАРГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, тугилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 52, 68, 106, 37-автобусларнинг «Ёг-мой комбинати» бекатлари).

Халқлар дўстлиги орденли Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти

КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

«Узбекзолото» комбинати «Сўғдиёна» олтин изловчилар артелининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/V да **Қиёмат қарз**, 4/V да **Шошма, нуёш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/V да **Тошкентнинг нозанин малинаси** (15.00), **Чоллар ва кампирлар** (19.30), 4/V да **Тўйдан олдин томоша.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кўзга кўринмас одам» фантастик-саргузаштли аттракциони иштирокида катта байрам томошалари** 2, 3/V да 13.00, 16.00, 19.30 да, 4/V да 12.00, 16.00, 19.30 да).

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўрта осиё медицина педиатрия институти

21 май ва 4 июнь кунлари соат 15.00 дан бошлаб институтга кирувчи абитуриентлар учун

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Институт адреси: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (4, 19, 111, 115, 117-автобуслар ва 3, 10 маршрут таксининг «Микрорайон» бекати).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, ахборотчилик қабулхонаси — 33-69-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06223. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 102. 10